

Сувайба Асламия муборак чакалок тугилганини эшитиб, кувонди. Сўнгра гўдакнинг тугилишини кутаётган хожасининг хузурига ошиқди ва хушхабарни етказди.

Абу Лахаб укаси Абдуллохнинг фарзанди тугилганини эшитиб, севинди ва эхсон тарзида Сувайбани озод килди.

\*\*\*

Абдулуззо ибн Абдулмутталиб – Расулуллохнинг (соллаллоху алайхи васаллам) амакилари. Иккала юзи ловуллаб турган оловдек кип-кизил бўлгани учун уни Абу Лахаб деб чакиришарди. У кабиладошлари орасида энг эътиборлиси, насл-насаби тоза, бадавлати, кўша-кўша фарзандларнинг отаси эди. Бу неъматлар устига унга яна бир улуг неъмат берилди. Аллох таоло ер юзига Ўзининг хидоят ва ҳақ дини Исломни барча динлар узра голиб килиш учун Пайгамбар юборди. Бу саодат унинг жияни ва кудаси Мухаммадга (алайхиссалом) насиб бўлди. Абу Лахаб ушбу неъматни мана бундай каршилади...

«Якин кариндошларингизни (Аллох азобидан) огохлантиринг!» (Шуаро, 124) ояти нозил бўлганда Мухаммад (алайхиссалом) кариндошлари Бани Хошимни бир ерга тўпладилар ва Аллох таолонинг ягона илох экани, Ўзига ибодат килганга жаннат, осий бўлганга жаханнам азоби ваъдаси борлиги хақида айтдилар. Сўнг: «Сизга бир гап айтмоқчи бўлиб турибман, агар унга кўшилсангиз, арабларга хокимлик, ажамларга эса бошчилик киласиз», дедилар. Абу Лахабнинг дили яйраб: «Битта эмас, ўнта айт», деди. Шунда у Зот (алайхиссалом): «Аллохдан Ўзга илох йўқ. Мухаммад Унинг Расулидир», дедилар. Абу Лахабнинг бошига биров бир мушт туширгандай бўлди. Атрофдагиларга аранг-жаранг каради. Жиянининг Пайгамбар бўлиб, обрў қозониши, мол-дунё тўплаб, бошчиликни қўлга киритишини ўйлаб, эси огиб қолай деди. Хасад уни бутунлигича камраб олди. У ортик ўзини тутиб туролмасди. Шунинг учун энг биринчи бўлиб каршилиқ кўрсатишга ўтди. У ёқимсиз овозда: «Ахир, бу диндан қайтиш-ку?! Сизни бирор-бир азобга дучор қилмасидан олдин тўхтатинг уни!» деб бакир-чакир қилиб ҳамма ёқни бошига қўтарди. Йигилганларни тўзатиб юборди. Пайгамбаримиз (алайхиссалом) амакиларининг бу ишидан саросимага тушиб қолдилар. Кариндошлари ичида у Зотга энг якин бўлган Абу Лахаб шундай деб турганида, бошқалардан нимани кутиш мумкин?! Унинг бу ёғига ҳам жим қараб турмаслигини, хатто жанг қилиб бўлса-да каршилиқ кўрсатишини англадилар.

Яна бир сафар Пайгамбаримиз (алайхиссалом) Сафо тоғи этагига одамларни тўплаб, Исломга чакираётганларида улар орасидан бири: «Эй қуриб кетгур, шунинг учун бизни тўплаганмидинг?» дея ўшқирди. Бу ҳам Абу Лахаб эди. Аллох таоло ушбу ояти каримани нозил килди: «Абу Лахабнинг қўллари қурисин (халок бўлсин!) Халок бўлди ҳам».

Мол-мулки ва топган-тутгани (бойликлари) унга аскотмади. Яқинда (у) алангали оловда куяжак» (Масад, 1–3).

Ўзи хақида нозил бўлган оятлар Абу Лахабни разиллик қилишда давом этишдан тўхтатмади. Расулulloхга (соллаллоху алайхи ва саллам) нафратининг чеки кўринмасди. Хатто ўгиллари Утба ва Утайбадан келинлари Рукия ва Умму Кулсумларни (розияллоху анхумо) отасининг уйига қайтариб юборишларини талаб қилиб: «Мухаммаднинг қизлари билан ажрашасанлар. Агар шундай қилмасаларинг, берган тузимга розимасман», деб айтди. Иккала ўгли хали яшаб ҳам улгурмаган хотинларини уйларига кетказишди. Абу Лахаб бу билан ҳам кифояланмади. Балки Пайгамбаримизнинг (алайхиссалом) кетларидан юриб, тош отарди, оёқларини конга беларди. Маккага хаж ва умра амалларини адо этиш учун келганларга бепул зиёфатлар уюштириб, ёнларига яқинлаштирмасликка ҳаракат қиларди. Мана шу ходисалардан бирининг гувоҳи бўлган Робиъа ибн Аббод бундай дейди: «Жоҳилиятда Расулulloхни (соллаллоху алайхи васаллам) Зул-мажоз бозорида кўрдим. У Зот (алайхиссалом): «Эй инсонлар! Аллох таолодан ўзга илох йўқ, деб айтишлар, нажот топасизлар», дердилар. Одамлар аторофларига тўпланишарди. Орқаларидан эса қизил юзли, кўзлари гилай ва икки қокилли киши: «Мухаммад диндан қайтган, ёлгончи», деб уларга эргашиб юрарди». Яхшилик ва ҳаққа тарғиб этаётган одамнинг кетидан юриб, уни ёлгончига чиқариб, адоват кўзгаши Абу Лахабни саодатдан, хидоятдан махрум этди.

Унинг хотини ва хамтовоги Арво бинти Харб, яъни Умму Жамил курайш зодағони Абу Суфён ибн Харбнинг синглиси бўлиб, гўзалликда ҳам, насабда ҳам энг эътиборли аёллардан бири эди. Захар тили сабабли барча ўзини ундан олиб қочарди. У Макка қабилаларига бориб, эрининг жияни Мухаммадни (алайхиссалом) исмларини «Музаммам»га (яъни «тўхтовсиз қораланган») ўзгартириб, ҳаммага ёмонлай бошлади: «Биз қораланган (Мухаммад)дан юз ўғирдик, динини ёмон кўрдик, ишига қарши чиқдик», дерди. Умму Жамил шу даражада ҳаддидан ошдики, Расулulloхни (алайхиссалом) пойлаб, ёмон сўзлар билан ҳақоратлар, йўлларига ахлат ва тиканлар сочарди, озор беришдан ҳеч қарачасди. Рўпарасидан чиқиб қолгудек бўлсалар: «Бадбахт, хорланган», деб ҳақоратларди. Аллох таоло у тўғрисида: «Шунингдек, ўтин ташувчи хотини ҳам. Бўйнида пухта эшилган арқони ҳам бўлур» (Масад, 4–5) оятларини нозил қилди.

Курайш ва қариндошларнинг тўхтовсиз тазйикидан Пайгамбаримиз (алайхиссалом) Мадинага хижрат қилдилар. У ерда яшай бошлаганларига бир йил тўлганда Бадр жанги бўлиб ўтди ва унда курайшликлар мағлубиятга учради. Бу ходиса Абу Лахабга қутилмаган зарба бўлди. Бир неча кун уйида қамалиб ўтирди ва гамга ботиб вафот этди.

Урва (розияллоху анху) айтади: «Абу Лахаб вафот этгач, оиласидан бир киши уни тушида кўрди ва: «Холинг нима кечди?» деб сўради. Абу Лахаб: «Сизлардан менга ҳеч бир яхшилик етмади. Фақат Сувайбани озод қилганим эвазига қанчоғим қондирилди», деб бош бармоғи билан ўрта бармоғи ўртасига ишора қилди (Имом Бухорий). Ўшанда Абу Лахаб Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) тугилганларидан суюниб, икки бармоғи ишораси билан Сувайбани озод қилган эди.

Абу Лахаб ва хотини Умму Жамил оёқлари остига келган хидоятни ҳаммадан биринчи бўлиб қабул қилишга ҳақли эдилар. Чунки оламларга раҳмат бўлган Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) уларга бегона эмас, жигарлари эди. Улар худди чанкок бўла туриб, кибр-хавоси сабаб олдидан оқиб ўтувчи тиник сувдан ичишни ўзига эп кўрмай, ташналиқдан ҳалок бўлган кимсадек, ёнларида тўлиб-тошган оби раҳмат дарёсидан қониб-қониб баҳра олишолмади, қурукшаган лаб, қақраган қалб билан илохий хидоятдан бенасиб кетишди. Бу эса ҳақиқатдан ҳам аянчли ҳолдир.

Яқин кишиларининг адовати, қавмининг таъна-дашномига қарамасдан Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам) Аллох таолонинг рисолатини одамларга муқаммал етказдилар. Улар сабаб жаҳолат ер юзидан тутундай тарқаб, хидоят нурига бурқанди. Одамлар икки дунё саодатига элтувчи йўлни топдилар ва унда бардавом бўлиб келмоқдалар.

Манбалар асосида  
Мутаххаро АХМАДУЛЛОХ кизи